

**Индивидуал банк сейфи “Гарант” хизматидан фойдаланиш  
ижара шартномаси № «Номер договора»**

«Город» ш.

««День»» «Месяц» «Год» й.

Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБ (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг «Наименование филиала» филиали/бўлинма раҳбари «UrgFIO» бир тарафдан, ўз мулкни сотувчи жисмоний шахс «Клиент 1» (бундан буён матнларда “Сотувчи” деб номланади) иккинчи тарафдан ва мулкни сотиб олувчи жисмоний шахс «Клиент 2» (бундан буён матнларда “Сотиб олувчи” деб номланади) учинчи тарафдан, биргаликда эса “Тарафлар” деб юритилади, ушбу шартномани (Бундан буён матнда “Шартнома” деб номланади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## **1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

**“Индивидуал банк сейфлари”** (бундан буён матнларда “ИБС” деб номланади)- ҳар хил ҳажмдаги, рақамланган метал шкаф ичига жойлаштирилган метал қути (контейнер) бўлиб, ижарага олган Тарафлар ўзига тегишли қимматликларни сақлаши учун мўлжалланган махсус сейф;

**Мастер-калит** – ижарага берилган ИБСни очиш учун мўлжалланган Банк калити. ИБС кулфи ушбу калит ва Мижоз калити билан биргаликда очилади;

**Мижоз калити** – ижарага берилган ИБСнинг Мижоз учун мўлжалланган, бир хил нусхадаги 2 (икки) дона калит;

**Сақланадиган буюм** – Тарафлар томонидан олди-сотди бўлаётган мулкнинг келишилган нархи миқдорида ёки ундан кам бўлган суммадаги маблағ;

**Депозитарий** – ИБС жойлашган махсус жиҳозланган алоҳида хона;

**Гарант хизмати** – Банк томонидан ИБС жойлаштирилган маблағни ушбу шартномада келишилган шартлар асосида сақлаб бериш хизмати.

## **2. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

2.1 Сотиб олувчи ва Сотувчи биргаликда олди-сотди бўлаётган мулкнинг келишилган нархи миқдорида ёки ундан камроқ бўлган суммадаги маблағни ИБСга жойлаштиради.

2.2 Банк филиал/бўлинма биносининг Депозитарийсида жойлашган маълум ҳажмдаги ИБСни Тарафларга қимматликларни сақлаш учун, мазкур шартномада белгиланган шартларда ижарага беради.

2.3 Ижарага олинган ИБС калити (2 та нусхаси) Тарафларнинг розилиги билан олди-сотди шартномаси имзолангунга қадар \_\_\_\_\_ сақланади.

*(Сотувчи ёки Сотиб олувчи деб кўрсатилади)*

2.4 Олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган сўнг ИБСда сақланаётган маблағ Сотувчи томонидан олинади.

## **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **3.1 Сотувчининг мажбуриятлари**

3.1.1 Сотиб олувчи билан келишилган маблағни ИБСга биргаликда жойлаштиради.

3.1.2 Сотиб олувчи билан келишилган ҳолда Банкка ИБС Гарант хизмати ҳақини тўлайди.

3.1.3 Сотиб олувчи билан мулкни олди-сотди қилиш жараёнида низоли ҳолат юзага келганда Банкни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантиради.

### **3.2 Сотиб олувчининг мажбуриятлари**

3.2.1 Сотувчи билан олди-сотди учун келишилган маблағни ИБСга жойлаштириш учун олиб келади.

3.2.2 Сотувчи билан келишилган маблағни ИБС га биргаликда жойлаштиради.

3.2.3 Сотиб олувчи билан келишилган ҳолда Банкка ИБС Гарант хизмати ҳақини тўлайди.

3.2.4 Сотувчи билан мулкни олди-сотди қилиш жараёнида низоли ҳолат юзага келганда Банкни зудлик билан ёзма равишда огоҳлантиради.

3.2.5 Мулкни олди-сотди шартномаси имзоланиб нотариал тартибда тасдиқлангандан сўнг Сотувчига ИБС калитларининг иккала нусхасини ҳам топширади.

### **3.3 Банкнинг мажбуриятлари**

3.3.1 Тарафларга маблағни ИБСга жойлаштириш учун шароит яратиб беради.

3.3.2 Ушбу шартнома имзолангандан сўнг ИБС калитини Сотувчи ёки Сотиб олувчига қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан топширади.

3.3.3 Тарафлар томонидан ИБСга жойлаштирилган маблағни ушбу шартномада белгиланган тарзда бутлигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўради.

3.3.4 ИБСга жойлаштирилган маблағлардан сақлаш даврида фойдаланмайди.

## **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

### **4.1 Сотувчининг ҳуқуқлари**

4.1.1 Мулкни олди-сотди шартномаси имзоланиб нотариал тартибда тасдиқлангандан сўнг Сотиб олувчидан ИБС калитларини талаб қилиб олиш.

4.1.2 Олди-сотди шартномасининг нотариал тасдиқланган асл нусхасини Банкка тақдим этгандан сўнг ИБСдаги маблағларни олиш.

4.1.3 Банкка ёзма равишда мурожаат қилган ҳолда шартномани муддатидан аввал бекор қилиш.

### **4.2 Сотиб олувчининг ҳуқуқлари**

4.2.1 Сотиб олиниши режалаштирилган мулкнинг ҳужжатларини асли билан танишиш.

4.2.2 Маблағни ИБСга жойлаштиришда иштирок этиш.

4.2.3 Мулкни олди-сотди шартномаси имзоланиб нотариал тартибда тасдиқланмагунча ИБС калитларини Сотувчига бермаслик.

4.2.4 Банкка ёзма равишда мурожаат қилган ҳолда шартномани муддатидан аввал бекор қилиш.

### **4.3 Банкнинг ҳуқуқлари**

4.3.1 Тарафларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларининг аслини талаб қилиш ва ундан нусха олиш.

4.3.2 ИБСга жойлаштирилган маблағдан сақлаш даври давомида олиниши мумкин бўлган даромад ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятини олмайди.

4.3.3 ИБСга жойлаштирилган маблағларнинг саноғи тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

4.3.4 Сотиб олувчи томонидан ИБСдаги маблағни олишга келганда олди-сотди шартноманинг нотариал тасдиқланган асл нусхасини талаб этиш.

4.3.5 Шошилиш ҳолатларда Банкнинг ички тартиб қоидаларида белгиланган тартибда ҳаракат қилиш.

4.3.6 Куйидаги ҳолатларда Банк томонидан ИБС мажбурий тарзда Тарафлар иштирокисиз очиши мумкин:

4.3.6.1. Форс - мажор ҳолатлар ёки фавкулотда ҳолатлар юзага келганда;

4.3.6.2. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа ваколатли давлат органлари қарорига асосан;

4.3.6.3. ИБСда сақлаш таъқиқланган буюм ёки ашёлар сақланаётганлиги аниқланганда ёки шубҳа қилинганда;

4.3.7 Ижара муддати тугагандан сўнг Тарафлар томонидан шартномани узайтириш ёки ИБС калитларини қайтариш учун келмаган тақдирда Банк Тарафларни телефон орқали огоҳлантиради ёки ёзма равишда огоҳлантириш хати юборади. Шундан сўнг бир ой давомида Тарафлар Банкка келмаган тақдирда ИБСни Тарафларнинг иштирокисиз мажбурий тарзда очилади Сақланаётган буюмларни далолатномага асосан қопга жойлаштириб, қопнинг оғзи беркитилиб пломбланади ва Банк кассасига сақлаш учун кириш қилади.

4.3.8 Тарафлар томонидан муддатидан олдин шартномани бекор қилинган тақдирда, ИБС ижарасидан фойдаланилмаган саналар учун тўланган ижара тўловлари қайтарилмайди.

## **5. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1	ИБСнинг тартиб рақами	№«Ячейка»
5.2	ГАРАНТ банк хизмати тўлови	100000 (бир юз минг) сўм

5.3	ИБСнинг ҳажми	«Тип ячейки» ҳажмдаги
5.4	ИБСнинг ижара олиш муддати	«Срок аренды»(«Срок аренды строкой») «Вид Срока»
5.5	ИБС ижара муддатининг охири санаси	««День конца дог»» «Месяц конца дог» «Год конца дог» йил
5.6	ИБС ижара тўлови суммаси	«Сумма аренды руб» сум («Сумма аренды стр»)
5.7	ИБСнинг ижарага олинган муддатдан сўнг, ИБСни банд қилинган кунлар учун белгиланган жарима миқдори	2000 (икки минг) сўм
5.8	ИБСнинг калитини йўқотганлиги ёки қулфни носоз ҳолатга келтирилганлиги учун белгиланган жарима миқдори	ИБС қулфини янгилаш билан боғлиқ харажатлар суммаси

## **6. ШАРТНОМАНИНГ АЛОҲИДА ШАРТЛАРИ**

### **6.1 Индивидуал банк сейфларида қуйида келтирилган буюм ва ашёларни сақлаш қатъиян таъқиқланади:**

- 6.1.1. Узоқ муддат сақланмайдиган, қисқа муддатда айниш, бузилиш, чириш хусусиятга эга озиқ-овқат ёки биологик (кимёвий) жисмлар ва суюқлик (модда)лар;
- 6.1.2. Тирик организмлар;
- 6.1.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ муомалада бўлиши чекланган, тақиқланган, муомаладан чиқарилган ёки сақлаш учун қонунга мувофиқ тегишли рухсат олиш талаб этиладиган, бироқ шундай рухсатнома олинмаган нарса, буюм ва ашёлар;
- 6.1.4. Сақлаш давомида ИБС ёнидаги бошқа сейфларга, уларда сақланаётган нарса, буюм, қимматликларга, бошқа жиҳозларга, жумладан, банк мулкига зарар етказиши ёки банк ходимларининг соғлиги ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган буюм ва ашёлар;
- 6.1.5. Портловчи, тез аланга олувчи, токсик, радиоактив, наркотик моддалар ва жисмлар ҳамда атроф-муҳит ва инсонларга зарар етказувчи бошқа буюм ва ашёлар;
- 6.1.6. Ўқотар ва портлатувчи қуроллар, ўқ-дорилар ва барча турдаги жанговор қуроллар;
- 6.1.7. Амалдаги қонунчиликларга ва давлат сиёсатига зид бўлган диний экстремизм, фундаментализм, ақидапарастлик мазмунидаги адабиётлар, варақалар, амалдаги давлат конституциявий тузумига ўзгартириш киритишга, зўрлик йўли билан Ҳокимиятни ноқонуний тарзда эгаллаб олишга, Қонуний сайланган ёки тайинланган ҳокимият раҳбарларини четлатишга, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги ва бирлигини ноқонуний йўллар билан бузиш характеридаги ҳар қандай материаллар.

## **7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 7.1 Тарафлар ушбу Шартномага асосан ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар бўладилар.

## **8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 8.1 Шартнома имзоланган кундан бошлаб ИБСда сақланаётган маблағларни Тарафлар томонидан ёки Банк томонидан мажбурий тарзда олингунга қадар амал қилади.
- 8.2 Тарафлар Банкни ёзма тарзда огоҳлантиригандан сўнг 2 (икки) банк иш кунидан кейин шартномани муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

## **9. МАХФИЙЛИК**

- 9.1 Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида Тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборот деб тан олинади.
- 9.2 Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа Тарафларнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.
- 9.3 Мазкур талаб номуайян муддатга амал қилади.

9.4 Ушбу талабларни бузган Тараф бунинг оқибатида бошқа Тарафларга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

## **10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

- 10.1 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу Тарафларнинг иродаси, ҳохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал ва бошқалар), учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар сабабли юзага келган шароитларда Тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган, фавқулодда олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.
- 10.2 Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда, Тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.
- 10.3 Банк юзага келган форс-мажор ҳолатлар ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида Тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 (уч) банк иш кунини Тарафларни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.
- 10.4 Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар Тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).
- 10.5 Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда Тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

## **11. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 11.1 Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.
- 11.2 Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган Тараф томонидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи Тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.
- 11.3 Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.
- 11.4 Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда Суд орқали ҳал этилади.
- 11.5 Ушбу шартнома уч нусхада тузилиб, уч нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга. Шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Сотувчида ва учинчи нусхаси Сотиб олувчида сақланади.

## **12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ**

### **“СОТУВЧИ”**

«Данные\_клиента 1»

Имзо \_\_\_\_\_

### **“СОТИБ ОЛУВЧИ”**

«Данные\_клиента 2»

Имзо \_\_\_\_\_

### **“БАНК”**

«Наименование филиала»

Манзили: «Адрес»

Телефон: «Телефоны банка»

Имзо \_\_\_\_\_

М.У